

Таҳорат олишда оғиз чайилаётганда

21:18 / 27.04.2016 4516

Таҳорат олишда оғиз чайилаётганда 3 марта ғарғара қилинадими, яъни томоқ чайиладими? Мен 15 йилдан бери 1-сув билан оғзимни чайқаб, 2-сув билан ғарғара қилиб, 3-сув билан бармоқларим билан мисвок қилиб юрардим. Шунча йил мобайнида таҳоратим нотўғри бўлганми?

Ибодатларни тўғри нотўғри бўлганлигини билиб олишнинг энг осон йўли уларнинг ҳукмларини билишдур. Таҳорат тўғри бўлдими, йўқми дейдиган бўлсак, таҳоратнинг фарзлари нима, важиблари нима эканлигини билиб олсак, суннатлари нима, мустаҳаблари нима эканлигини билиб олсак жуда фарқлаб олишимиз осон бўлади. Мана таҳоратда оғзини чайишни "мазмаза" дейилади, мазмаза дегани "оғизни ичини сув билан ювиш" дегани, араб тилида. Яъни "оғизни ичига сув етказиш" деган маъно. Ана шу демак маънони мфода қилиш суннат ҳисобланади. Энди таҳоратда оғзини чаймаган суннатни амалини қилмаган одамни таҳорати тўғри бўлаверади. Фарзни тўлиқ адо этган бўлса, важибларини тўлиқ адо этган бўлса. "Фалон йилдан бери қилиб юрган таҳоратим нотўғри бўлганми" деган савол бу ерда ортиқча бўлиб қолади. Агар мазмаза таҳоратда оғзини чайиш суннат эканлигини билинганида, ана шу маънони демак яхши тушуниб олиш керак. Таҳорат аҳкомларини ўрганадиган китоблар кўп, яхшилаб ўрганиб олиш ва мана шу каби муносабатларда сўраб билиб бориш ҳам жуда яхши бир хислат ҳисобланади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло барчаларимизни таҳоратларимиз ўз ўрнида бўлиши ва кўзланган мақсадга, ғояга, савобга эриштирадиган бўлишини насиб этган бўлсин.